

**ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШДА БАТАЛЬОН ТАКТИК
ГУРУҲИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ (ретроспектив таҳлил)**

НАУРЫЗБАЕВ Ж.У.,

*Подполковник, ЎР ҚК Академияси ХХ ва ДМ факультетининг
1-босқич тингловчиси*

Аннотация: мақолада батальон тактик гуруҳини жанговар ҳаракатларда қўлланишининг ретроспектив таҳлили ўтказилган ва бугунги кундаги ўзига хос хусусиятлари етакчи давлатлар мисолида ёритилган.

Калит сўзлар: батальон, бўлинмалар, танк, тактик, гуруҳ, уруш, яъни, жанговар, тартиб, ҳаракатлар, вазифалар, билан, олиб, бориш.

XX асрнинг иккинчи ярмида бирор йил йўқки локал урушлар ва қуролли низоларсиз ўтмаган. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда 140 дан ортиқ локал уруш ва қуролли низолар бўлиб ўтди. Ушбу йилларда бўлиб ўтган кўп сонли локал урушлар ва қуролли низоларда умумқўшин батальонлари асосий тактик бўлинма сифатида намоён бўлади. Умумқўшин бригадаларининг асосий бўлинмаларини умумқўшин батальони ташкил этиб, жанговар вазифаларнинг асосий қисмини ушбу батальонлар таркибида бажарилади.

Бу борада, аввало, “**батальон**” тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш мақсадлидир. “Батальон” сўзи (французча “баталия” сўзидан олинган бўлиб) пикинёрларнинг 100x100 квадрат кўринишида тузиладиган жанговар тартибига нисбатан қўлланилган (XIII-XIV аср). Кейинчалик XIV-XV асрларга келиб, унинг таркибига 1000-10 000 киши ва ундан ортиқроқ бўлинма сифатида юритилган. Кейинчалик урушлар ва операцияларнинг кўлами ва қуролларнинг имкониятлари ўзгариб, ривожланиб борганлиги сабабли батальон таркиби ҳам кетма-кет ривожланиб, такомиллашиб борди.

Унинг кўриниши квадрат шаклда ёпиқ жанговар тартибда жанг олиб бориш учун тузилган енгил пиёда ва отлик тузилмалар батальон деб юритилган. XVII асрга келиб, кўпгина давлатлар армияси таркибида 500-1000 кишигача бўлган пиёда тузилмаларга нисбатан “батальон” тушунчаси ишлатила бошланади [1].

Бўлинмаларнинг аниқ сонга эга бўлишининг асосий сабаблардан яна бири бу бўлинмаларни узлуксиз ва ишончли бошқарувини ташкил этиш ҳамда бўлинманинг жанговар манёврчанлигини ошириш назарда тутилган бўлиб,

улар билан шахсий таркибнинг қуроллари ҳам ривожланиб борганлиги ҳамоҳанг боғлиқ бўлган. Қўшинларни жангда қўлланилиши ва муваффақиятли олиб борилишининг яна бир сабабларидан бири бу жанговар тартиб ҳисобланган. Ўз навбатида жанговар тартиб жанг олиб боришнинг асосий талабларига жавоб бериши зарур бўлган. Шунинг учун бўлинмаларнинг жанговар ҳаракатлар олиб бориш мобайнида аниқ бир сон миқдорига эга бўлиши талаб этилган. Шундан келиб чиқиб бўлинмалар аниқ бир кўринишда бўлиши, ўзининг ташкилий штат тузилмасига эга бўлиши зарурлиги келиб чиқади.

Шунингдек, XIX-XX асрлар жанг олиб бориш назарияси ва амалиёти ҳамда қурол-аслаҳанинг ривожланиш жараёнида батальонлар таркиби такомиллашиб борди. Яъни, батальонлар таркиби “рота” деб ном олган кичик тактик бўлинмаларга бўлиниши билан намоён бўлди. Масалан, ўша даврларда Россия армияси таркибидаги пиёда батальонлари 3-5 тагача, Францияда 6-7 тагача ва Англияда 8 тагача бўлган роталардан иборат бўлган [2].

Узоқ йиллар давомида юз берган урушлар тажрибасидан келиб чиқиб, жанговар ҳаракатларни олиб боришда бир неча тамойилларга асосланди. Ушбу тамойилларнинг асосийларидан бири бу жангда чуқур эшелонлаштирилган жанговар тартибни тузиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юқоридаги давлатлар ушбу тамойил талабини бажариш учун батальон таркибини бир неча роталарга бўлиб тузишган.

Бу кўрсаткичлар секин-аста қурол-аслаҳаларнинг такомиллашиб бориши ҳамда уларни амалиётда қўллаш тактикаси ортиб бориши эвазига батальоннинг ташкилий-штат тузилмаси, бошқаруви ва уни жанговар ҳаракатларда қўллаш тактикаси такомиллашиб ва ривожланиб борди.

1800 йиллар охири ва 1900 йиллар бошларида, турли хил қуролларнинг пайдо бўлиши батальон бошқарувида ва уни қўллашдаги қийинчиликларнинг юзага келиши натижасида, батальонлар таркиби (шахсий таркиб ва қурол-аслаҳаларда) бир типга келтирила бошланди [3].

XX асрда пиёда батальонлари тактик ҳамда маъмурий бўлинма сифатида кўрилган. Бунда батальонлар ўз таркибида 4 тагача роталардан ташкиб топган бўлиб, улар полк таркибида ёки мустақил жанговар ҳаракатларни олиб бориш учун мўлжалланган [4].

Биринчи жаҳон уруши даврида бўлинмалар қуролланишига автоматик ўқотар ва артиллерия қуролларининг кириб келиши, батальонларни бошқарувида янада қийинчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида, батальонларда штаб, алоқа ва хўжалик бўлинмаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Урушдан кейинги даврларда (Иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр) қурол-аслаҳа ва техниканинг шиддат билан ривожланиб бориши эвазига Қуруқликдаги ва бошқа қўшин турлари таркибида турли ташкилий тузилмага эга бўлган батальонлар ташкил этилишига тўртки бўлди.

Батальонларнинг таркибига қўшимча бошқа турдаги бўлинмаларнинг киритилишига сабаб бўлиб ўтган урушлар ва тактик бўғиндаги қўшин ҳамда бўлинмаларнинг вазифаларини ўз вақтида ҳамда ишончли таъминланиши учун фикр юритила бошланди. Дастлаб, Иккинчи жаҳон урушида собиқ Совет Иттифоқи Қизил армияси мудофаа жанглари олиб бориш учун таркибида 1-2 пиёда ротаси, 1-2 танк ротаси ва артиллерия батареяси билан иборат умумқўшин батальонларини тузишган. Бундай аралаш таркибдаги батальонни тузишдан асосий мақсад, унинг жанг вақтида эгилувчанлиги ва тезкорлигини таъминлаш кўзда тутилди. Бирок, оператив даражадаги мослашувчанликка ва тактик даражадаги қатъийликка эътибор, шунингдек, бу кўринишдаги бўлинма учун зарур бўлган профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркибнинг етишмаслиги, бундай бўлинмаларнинг шаклланишига тўсқинлик қилди.

Совуқ уруш йилларида батальонларни давлат захирасидаги шахсий таркибни сафарбар этмасдан тезкор ва қисқа муддат ичида қўшин группировкаларини ёйиш каби муаммолар билан дуч келина бошланди. Бундай муаммони ҳал этишда эса Совет армияси ўзининг шундай тактик тузилмаларини туздик, бунда батальонлар асосини танк ёки мотоўқчи тузилмалари ташкил этди. Дала ўқувларини ўтказиш давомида қўйилган жанговар вазифалар хусусиятидан келиб чиқиб, батальонлар таркиби турли қўшин турлари билан кучайтириш ва вақтинчалик умумқўшин тузилмаларни тузиш амалга оширилди. Ушбу бўлинмалар артиллерия, танк (ёки мотоўқчи), ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари, муҳандислик ва разведка каби элементлар билан кучайтирилди. Шу тариқа, қўлланиладиган бўлинмага нисбатан “тактик гуруҳ” тушунчаси киритилди ва бу “рота тактик гуруҳи”, “батальон тактик гуруҳи” каби тушунчалар пайдо бўлди.

“Батальон тактик гуруҳ”ларининг (кейинги матнларда *бтгр* деб юритилади) амалиётда қўлланиши Совет қўшинларининг Афғонистон ҳудудларида олиб борган жанговар ҳаракатлари давомида кузатилди. Ушбу бўлинмани тузишдан асосий мақсад этиб, кичик таркибдаги тезкор ёйилиш ва юқори жанговар шайликка эга бўлган бўлинмани тузиш назарда тутилди [5].

Шу қаторда, АҚШ ва НАТО давлатлари армияларида ҳам тактик бўғиндаги бўлинмаларнинг жанговар имкониятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, жанговар ҳаракатларни олиб боришда батальон даражасидаги бўлинмаларнинг мустақил равишда ҳаракатланишини таъминлаш муҳим масала сифатида қаралди. Шунинг учун, ушбу армияларда аралаш таркибдаги пиёда батальонлари ташкил этила бошланди. АҚШ ва НАТО давлатлари армияларида дастлаб “рота тактик гуруҳи” – ротали командаси ва “батальон тактик гуруҳи” – батальон оператив (тезкор) гуруҳи кўринишида шаклланди.

Ҳарбий техника ва қуролларнинг ривожланиши тактик бўғиндаги бўлинмаларнинг жанговар вазифаларни ҳал қилишда тобора кўпроқ мустақилликка эга бўлишига олиб келди. Ҳарбий амалиёт шуни кўрсатадики, бугунги кунда баталон тактик гуруҳлари (БТГр) бу билан муваффақиятли курашмоқда. Ҳарбий энциклопедик луғатга кўра, “батальон тактик гуруҳи - бу АҚШ армиясида жанговар батальон асосида яратилган вақтинчалик тузилма” деб киритилган. Замонавий *бтгр*ларнинг асосий негизини мотопиёда, танк батальонлари ташкил қилиб, улар таркибига батальонларга бириктирилган артиллерия, танклар, танкга қарши қуроллар, разведка, радиоэлектрон кураш, кимёвий ва муҳандислик бўлинмалари, ҳаво ҳужумидан муҳофаза ва бошқа бўлинмаларини киритишган.

Батальон тактик гуруҳлари таркиби ва уларнинг вазифалари юқори қўмондоннинг қарори кўра белгиланиб, қуйидагиларга боғлиқ ҳисобланган:

- ҳал қилиниши керак бўлган жанговар топшириқнинг мазмуни;
- душман ҳаракатларининг таркиби ва характери;
- операция театрининг хусусиятлари, йил ва кун вақти.

Шундай қилиб, 1990-1991 йилларда АҚШ қуролли кучлари томонидан Форс кўрфазида амалга оширилган “Чўл бўрони операцияси” тажрибаси *бтгр*лардан фойдаланиш самаралироқ эканлигини кўрсатди.

Ушбу батальон тактик гуруҳлари қуйидагиларни ўз ичига олади: мотопиёдалар батальони, танк ротаси, 155 мм ўзиюрар батареяси, миномёт секцияси, танкга қарши взвод ва ҳаво муҳофааси бўлинмалари. Бундай таркиб жанговар вазифаларни тезкор ҳал қилишни таъминлаб, Ироқ Қуролли Кучларига қарши жанговар операцияларни ўтказиш учун жанговар қобилиятга эга бўлган *бтгр*ларга боғлиқ бўлган.

Форс кўрфази зонасида АҚШ армиясининг батальон тактик гуруҳларини қўллаш тажрибасига асосланиб, Россия Қуролли Кучлари 1994-1995 йилларда Чеченистондаги аксилтеррор операцияси пайтида бундай бўлинмаларни шакллантириш ва улардан жанговар вазифаларни бажариш учун фойдаланишни бошлади. Чечен урушининг биринчи ва иккинчи кампанияларида Россия

кўшинлари томонидан тирик куч ва техникаларда етишмовчиликлар бўлганлиги туфайли мотоўқчи батальон (танк батальон)ларининг жанговар имкониятларини ошириш мақсадида ушбу батальонлар базасида батальон тактик гуруҳлари тузилади. Бу эса жанговар ҳаракатларни олиб боришда ўзининг самарасини берди. Бу каби умумқўшин тузилмалар 2008 йилдаги Грузия урушида ҳам қўлланилади. [6]

Сурия Қуролли Кучларининг ИШИД ноқонуний қуролли тузилмаларига қарши олиб борган ҳарбий амалиётлари тажрибаси асосий жанговар бўлинмалар жанговар топшириқларни бажаришда максимал жанговар қобилият ва мустақилликка эга бўлган батальон тактик гуруҳлари эканлигини кўрсатди. [7]

Жанговар ҳаракатларда *бтгр*ларни қўллаш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кундаги батальон тактик гуруҳининг жанговар имкониятлари Иккинчи Жаҳон уруши давридаги ҳарбий қисм ва тузилмаларга тенгдир.

Шаклланган *бтгр*ларининг жанговар қобилияти ва автономлигини ошириш учун уларга жанговар ва моддий-техник таъминот бўлинмалари ҳам берилди. Бугунги кунда РФ ҚК таркибида тузиладиган замонавий батальон тактик гуруҳлари шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилардан иборат бўлиб, **уларнинг таркибига қуйидагилар бириктирилган:**

- танк ротаси;
- разведка бўлинмалари;
- артиллерия ва миномёт батареялари;
- танкга қарши бўлинмалар;
- УАВ қурилмалари;
- РЭК бўлинмаси;
- муҳандислик бўлимлари;
- техник, моддий-техника ва тиббий таъминот бўлинмалари [8].

Айни вақтда Россия ва Украина ўртасидаги қуролли тўқнашувда ҳам батальон тактик гуруҳларини кенг миқёсда қўлланилаётганини кўриш мумкин. АҚШнинг ҳарбий мутахассисларининг маълумотларига кўра, Россия-Украина уруши давомида Россия қўшинларининг аксарият қисмини *бтгр*лар ташкил қилади. Бу *бтгр*лар таркиби 3 та мотоўқчи роталари, 1-2 та танк роталари, 2-3 та артиллерия батареялари ва 2 та ХХМ батареялари ҳамда қўшимча жанговар таъминот бўлинмаларидан (разведка, муҳандислик, ркбм ва ҳ.к.) иборат бўлиб, ҳужум ҳамда мудофаа таснифидаги жанговар ҳаракатларни олиб боришда муҳим тактик бўлинма сифатида ҳаракат қилмоқда.

Бирок, шундай бўлсада, ушбу урушда батальон тактик гуруҳлари жанговар вазифаларни бажаришда етарли муваффақиятга эришмаётганлигини кўриш мумкин.

Дунёда фан ва технологиянинг ривожланиб бориши бўлиб ўтаётган уруш, жанговар ҳаракат ва жангларнинг олиб борилишига, уларнинг шиддатли, тезкор, юқори суръатларда намоён бўлишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, икки томон ўзининг олдиндаги вазифалари сифатида фақатгина муваффақият ва ғалабага интилиши мавжуд тактик ҳаракатларнинг усул ва услубларига янги кўриниш бериши ўз навбатида илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб бориш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада, армияларнинг тактик бўғини, яъни, батальон бўлинмаларига, уларнинг тактик ҳаракатларини қайта ва яна қайта чуқур ўрганиб бориш, улар устида тадқиқот ва изланишлар узлуксиз олиб боришни талаб этмоқда.

Дунёда содир бўлиб ўтган ва бўлаётган уруш, операция, жанговар ҳаракат ва жангларнинг кўлами, уларнинг шиддатлилиги ва олиб бориш суръатлари кундан-кунга ўзгариб, янгирақ тус олиб бормоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, дунёдаги етакчи давлатларнинг тактик бўғиндаги батальон тактик гуруҳларини ўрганиш, уларни амалда қўлланилиши, қўшимча бўлинмалар билан бутланиши ва янги қуроллар билан таъминланиши эвазига тактик ҳаракатларнинг ўзгаришига ва қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига олиб келганлигини кўриш мумкин.

Россия ҳарбий кўмондонларининг фикрича, бирлашма (қўшилма) таркибида турли мўлжалланишдаги тузилмаларнинг мавжудлиги кенг миқёсдаги вазифаларни бажаришга имкон беради. Яъни, бир сўз билан изоҳлаганда, бирлашма (қўшилма)нинг жанговар қобилиятини белгилаб беради. Бир томондан бундай кучлар билан катта миқёсдаги ҳарбий операцияларни ўтказиш мумкин, бироқ, иккинчи томондан тузилмаларнинг кўп сонлилиги (13 000-15 000 киши) унинг бошқарувида, таъминотида, айниқса, жанг вақтида қўшинлар манёврини амалга оширишда бир неча қийинчиликларни юзага келтиради [9].

Сўнгги даврда жаҳоннинг кўпгина давлатлари армияларида умумқўшин тузилмаларини қисқартириш ва ихчам, тез ҳаракатлана оладиган, кўп функцияли этиб тузишни назарда тутмоқда. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, РФ Қуролли кучлари таркибида доимий шайлиқдаги батальон тактик гуруҳларини тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга далил сифатида ижтимоий тармоқларнинг очиқ манбаларига кўра, РФ бугунги кунда 200 га яқин *бтгр*ларни ташкил этганини келтириш мумкин. Хориж экспертларининг қайд этишича, бу кўрсаткичнинг юзага келиши бевосита РФ армиясида бригада тактик гуруҳларини тузишга армия ресурсларининг етишмаслиги ҳисобланса, Россия экспертларининг назарида, армиянинг жанговар салоҳиятини кўтаришда *бтгр*ларни ташкил этиш самаралироқ ҳолат ҳисобланади.

Бу каби аралаш таркибдаги тузилмаларни тузиш жанговар вазифаларнинг мураккаблиги билан боғлиқ бўлиб, бу каби жараён Иккинчи жаҳон уруши ҳамда Афғонистон ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда ҳам кузатилган.

Шунингдек, Чечняда содир бўлган жанговар ҳаракатларда Россия кўшинлари томонидан кўшинларда мутахассислар, замонавий қурол-аслаҳа ва техникаларда етишмовчилиги туфайли бўлинмаларнинг жанговар қобилятини ошириш, улардан самарали фойдаланиш мақсадида *бтгр* тузилди ва у ўз самарасини берди.

Дастлаб, умумқўшин батальонларининг (танк, мотоўқчи, десант ва ҳ.к.) имкониятларини ошириш учун “кучайтирилган *мўб*”, “бириктирилган кучайтириш воситалари” каби тушунчалар қўлланилди. Келгусида эса бу тушунчаларни ягона “*батальон тактик гуруҳлари*” тушунчаси билан алмаштирилди. Россия ҳарбий мутахассисларининг фикрича, “*батальон тактик гуруҳи* – бу кенг имкониятларга эга бўлган мотоўқчи батальонидир”. Унга юклатиладиган специфик вазифалар кўлами ва моҳиятига кўра қуйидаги таркибга эга бўлиши керак:

- танк ротаси;
- артиллерия батареяси (“Акация” ёки “Мста-С” ЎЮАК);
- зенит взводи (батареяси);
- муҳандислик взводи;
- РЭК бўлинмаси;
- махсус тайинланган бўлинма;
- таъмирлаш-эвакуация ва фронт орти бўлинмалари [10].

Шу тариқа, батальон командири бўйсинувида ўз шаклига эга бўлган “*микро-армия*” юзага келади. Ушбу *бтгр*лар таркиби 450-800 тагача шахсий таркибдан ва 100 тагача бўлган турли техникалардан иборат бўлади. Бундай кўринишдаги таркиб ҳар қандай вазиятга тезкорлик билан жавоб бериш, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳудудига қисқа муддатда чиқиш, юклатилган вазифани муваффақият билан бажаришни таъминлайди. Бундан ташқари турли разведка ва кўп турдаги ўт очиш воситаларининг мавжудлиги душманга талафот етказиш бўйича имкониятларининг бир неча баробар ошишини таъминлайди.

Демак, юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, тактик бўғиндаги умумқўшин батальонлари базасида яратиладиган тактик гуруҳлари – бу бўйсинувчанлик даражасини воситачиларсиз амалга ошириш имконини берувчи, жангнинг ўткир ва самарали инструменти деб фикр билдиришимиз мумкин. Чунки жанговар тажрибалар натижасига кўра, *бтгр*лар юқори қўмондонлик қарори билан тузилади ва тўғридан-тўғри қўмондон (юқори бошлик)нинг кўрсатмаларини бажаради. Бу эса ўз ўрнида вазифа қўйиш вақтини

қисқартиришга ва бўлинмаларни олдиндаги вазифаларни бажаришга тайёрлаш муддатини оширишга хизмат қилади.

Бу каби жараёнлар Америка Қўшма Штатлари армиясида ҳам кузатилмоқда. АҚШ бугунги замонавий шароитда қўшинларни қўллаш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам АҚШ ҳарбий қўмондонлари (экспертлар)нинг таъкидлашича, бугунги кун шароитида бўлинмаларнинг, умуман олганда, қўшинларнинг жанг олиб боришдаги жанговар имкониятларини ошириш, уларнинг юқори мобиллигини таъминлаш ҳамда шахсий таркиб ҳаётини сақлаш армия олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Шунингдек, бригадалар жанговар ҳаракатларни олиб боришда асосий тактик тузилма сифатида намоён бўлади. шу сабаб АҚШ армиясида “Енгил” “Оғир” ва “Моторлаштирилган” бригадалар мавжуд [11].

АҚШ армиясида ушбу бригадаларнинг жанговар қўллаш самарадорликларини ошириш мақсади олдиндаги жанговар вазифалар кўлами ва спецификасига кўра бригада жанговар гуруҳи (Brigade combat team)лари ташкил этилади. Ушбу “Вақтинчалик тузилма”лар таркибида эса пиёда батальонлари базасида *батальон тактик гуруҳлари* тузилади.


АҚШ мутахассисларининг қарашича, батальон базасида тузиладиган бу каби вақтинчалик тузилма таркибига 2-4 танк ва мотопиёда роталари, ТҚБР бўлинмалари, миномёт, разведка, муҳандислик ва фронт орти бўлинмалари киритилади (1.1-расм).

Қўшимча равишда, гуруҳларни қўллаб-қувватлаш учун биттагача вертолёт ротаси, артиллерия дивизиони ва зенит взводи берилиши мумкин. Шунингдек, тузиладиган бтгрлари қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

бтгр таркиби контракт асосидаги ҳарбий хизматчилардан иборат бўлиши; замонавий командирлар – юқори савияга эга, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қила оладиган бўлиши;

бтгр қуролланишида янги замонавий алоқа, кузатиш ва разведка воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Бир томондан Россия *батальон тактик гуруҳлари* АҚШ *бтгр*ларига нисбатан оғир қурол-аслаҳа сони ва ўт очиш қудрати бўйича устунлигини кўриш мумкин, бироқ бошқа томондан қараганда, АҚШ бригада жанговар гуруҳлари компетентлироқ ва тажрибалироқ ҳисобланади ҳамда *бтгр*ларнинг жанговар қобилияти замонавий УУА, алоқа ва кузатиш воситалари билан таъминланганлиги билан боғлиқ бўлмоқда.



1.1. Расм. АҚШ армиясида тузиладиган бтгрнинг тахминий таркиби

НАТО давлатлари армиясида “тактик гуруҳи” атамаси жанговар вазифани бажариш учун тактик бўғиндаги вақтинча турли қўшинлардан тузиладиган йиғма тузилмага нисбатан қўлланилади [12].

Ғарб ҳарбий экспертларининг фикрига кўра, жанг майдонида тактик гуруҳларнинг жалб этилиши турли хил бўлинмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва керакли даражадаги “тактик мослашувчанлик”ни таъминлашга имкон беради. Қоидага кўра, аралаш таркибдаги ушбу тактик гуруҳининг асосини мотоўқчи, механизациялашган ва танк тузилмаларидан иборат бўлиб, уларнинг таркибига ҳаво-десант, авиация, разведка, артиллерия ва бошқа бўлинмалари ташкил этади. Тактик гуруҳларни тузиш куйидагича амалга оширилади:

- дивизия (армия корпуси) ичида – пиёда (танк) бригадалари базасида;
- бригада (полк)лар ичида – батальонлари базасида;
- батальонлар ичида – роталар базасида.

1-жадвал

**БТГР БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДА
БУТЛАНИШИНING ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

	АҚШ	НАТО	РФ	ЎЗР	
--	-----	------	----	-----	--

Бўлинмаларнинг номланиши	<i>бтгр</i> асосини ташкил этувчи бўлинмалар				
батальон бошқармаси	+	+	+	+	
мотопиёда (ўқчи) ротаси (взводи)	+	+	+	+	
танк ротаси (взводи)	+	+	+	+	
разведка бўлинмалари	-	-	+	+	
артиллерия ва миномёт батареяси (“Акация” ёки “Мста-С” ЎЮАҚ)	+	+	+	+	
ХХМ, зенит взводи (батареяси)	+	+	+	+	
танкка қарши захира	+	+	+	+	
муҳандис бўлинмаси (взвод, гуруҳ)	+	+	+	+	
махсус тайинланган бўлинма	+	+	+	+	
УАВ қурилмалари	-	+	+	+	
РЭК бўлинмаси	+	+	+	+	
таъмирлаш-эвакуация ва фронт орти бўлинмалари	+	+	+	+	
тиббий таъминот бўлинмалари	-	+	+	+	

Кўриб чиқилган давлатларнинг *батальон тактик гуруҳлари* ташкилий-штат тузилиши бир хил эмаслиги, уларнинг турли хил қурола ва техникалар билан таъминланганлиги ҳамда *бтгрларининг* тактик имкониятлари турлича кўринишга эга эканлиги билан фарқ қилганлигини кўрсатди.

Юқоридаги фикр ва аниқланган кўрсаткичлардан келиб чиқиб қисқача **хулоса** қилиб, *батальон тактик гуруҳлари* жанговар вазифани бажаришга тайёр

ёки тайёр эмаслиги нафақат куч ва воситаларнинг сонига, уларнинг қуролланиш даражасига балки шахсий таркибининг ахлоқий-руҳий ҳолатига боғлиқ эканлиги алоҳида эътиборга олиш зарур ҳисобланди.

*Бтгр*ларининг шахсий таркиби контракт асосидаги ҳарбий хизматчилардан ташкил топганлиги, уларнинг жанговар тайёргарлиги ва мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ўз навбатида жанговар шайлигига таъсир этади. Шу билан бирга, *бтгр*ларининг вазифани бажаришга тайёрлик даражаси аниқлашда қуйидаги: жанговар ҳаракатларда иштирок этганлиги; душман куч ва воситаларининг жанговар имкониятлари ва мавжуд оператив-тактик вазият каби жиҳатларни ҳам эътиборга олиш мақсадли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

биринчидан, локал урушлар ва замонавий қуролли тўқнашувларда бтгрлардан фойдаланиш қўшинларнинг жанговар қобилиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб қолаётганини кўрсатди. Шу сабаб, батальон тактик гуруҳларини қўллаш асосларини замон билан ҳам нафасликда ривожлантириб бориш зарур. Бунда асосий эътиборни бўлинмаларнинг тактик автономлигини таъминлаш, турли хил жанговар ҳаракатлардаги жанговар вазифалар бажаришда уларнинг жанговар имкониятларини ошириш ва янада манёврчанлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

иккинчидан, шахсий таркиб контракт асосидаги ҳарбий хизматчилардан ташкил топганлиги, уларнинг жанговар тайёргарлиги ва мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ўз навбатида *бтгр*ларнинг жанговар шайлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, *бтгр*ларининг вазифани бажаришга тайёрлик даражасини аниқлашда:

жанговар ҳаракатларда иштирок этганлиги;

душман куч ва воситаларининг жанговар имкониятлари ва мавжуд оператив-тактик вазият каби жиҳатларни ҳам эътиборга олиш лозим эканлигини кўрсатмоқда;

учинчидан, *бтгр*ларни қўллашда мавжуд муаммоли масалалар ҳар қандай жаноговар вазиятда *бтгр*ни самарали қўллашнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган юқори жанговар қобилиятни таъминлаш билан боғлиқ бўлмоқда. Бўлинма жанговар қобилиятини оширишга эса ўз ўрнида унинг жанговар имкониятларини такомиллаштириш орқали эришилади. Шу нуқтаи назардан олганда, бтгрнинг жанговар имкониятларини чуқур ўрганиш, уни тадқиқ этиш ва такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

[1], [2], [3], [4]. Султанов, Д.Э. Методы формирования и построения адаптивных структурных моделей повышения боевых возможностей общевойсковых батальонов: дисс. д-ра филос. по воен. наукам: 21.01.05 / Д.Э. Султанов. – Т., 16 с.

[5]. “Батальон ва взвод тактик гурухларининг жанговар хизмат фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2021 йил 7 июндаги 30-сонли буйруғи билан тасдиқланган., – Т.: Ҳарбий нашриёти.

[6]. Замонавий уриш ва қуроли тўқнашувлар тенденцияси: ҳарбий санъатнинг ривожланиш контекстида (методологик ёндашув). – Т.: Renaissance нашриёти 2021. – 193 – б,

[7]. РФ ҚК МҲО қўмондони генерал-лейтенант Лапин А.П.нинг ЎР ҚК Академияси профессор-ўқувчилари ҳамда ҲХ ва ДМ факултети тингловчиларига маърузаси 2018 й. 14.02.

[8]. Усиков А. В. Военное искусство в локальных войнах и вооруженных конфликтах / под общ. ред. генерала-полковника А. С. Рукшина. – М.: Воениздат, 2008. 735 с.

[9]. Учебник. Ибрагимов М.М. Опыт боевого применения вооруженных сил зарубежных армий в военных конфликтах современности. // Т: 2017 г. Инв. № 13393 А. с. 125-178.

[10]. Самаров Р.С., Ибрагимов М.М., Юсупов Р.С., Қодиров М.О. Замонавий уруш ва қуроли тўқнашувлар тенденцияси: ҳарбий санъатнинг ривожланиш контекстида. // Т: 2021 й. с. 376.

[11]. Юсупов Р.С., Нажимов М.М., Музаффаров З.Қ. Ҳарбий санъатнинг ривожланиши. Дарслик. 1-қисм // Т: 2022 й. с. 376.

[12]. Юсупов Р.С., Нажимов М.М., Музаффаров З.Қ. Ҳарбий санъатнинг ривожланиши. Дарслик. 2-қисм // Т: 2022 й. с. 376.